

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Үн.25.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**ХОЛИКУЛОВ УМИД ШОДИЕВИЧ**

**ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ  
ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ  
ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ  
АСОСЛАРИ**

**12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.  
Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи**

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

**Холикулов Умид Шодиевич**

Демократик ислохотларни чуқурлаштириш шароитида Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини такомиллаштиришнинг назарий асослари..... 3

**Холикулов Умид Шодиевич**

Теоретические основы совершенствования уголовного законодательства Республики Узбекистан в условиях углубления демократических реформ..... 27

**Kholikulov Umid Shodievich**

Theoretical basis for improving the criminal legislation of the Republic of Uzbekistan in condition of deepening democratic reforms..... 51

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных научных работ  
List of published scientific works..... 56

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Үн.25.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**ХОЛИКУЛОВ УМИД ШОДИЕВИЧ**

**ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ  
ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ  
ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ  
АСОСЛАРИ**

**12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.  
Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи**

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.DSc/Yu84 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.akad.mvd.uz-ilmiy-kengash](http://www.akad.mvd.uz-ilmiy-kengash) ва [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида жойлаштирилган

**Илмий маслаҳатчи:**

**Тохиров Фарход**

юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Рустамбаев Мирзаюсуп Хакимович**

юридик фанлар доктори, профессор

**Отажонов Абдоржон Анварович**

юридик фанлар доктори, доцент

**Мирзаев Азиз Алишерович**

юридик фанлар доктори, доцент

**Етақчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази**

Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Yu.25.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (+99871) 265-22-52; e-mail: [info@akad.mvd.uz](mailto:info@akad.mvd.uz)).

Диссертация билан Ички ишлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (+99871) 265-22-52).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.С. Турсунов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

**М.З. Зиёдуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар номзоди, доцент

**О.Г. Зокирова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёнинг аксарият мамлакатларида жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш ва асосиз равишда жавобгарликка тортишнинг олдини олишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ривожланган чет давлатлар жинойт қонунчилигини такомиллаштириш – қилмишнинг жиноийлиги тўғрисида ахборот бериш имкониятини кенгайтириш учун аниқ ва тушунарли тилда ёзилиши, жавобгарликни тартибга солувчи барча нормаларнинг узвийлиги ва рационаллигини таъминлаш, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан эскирган нормаларни чиқариб ташлаш ҳамда бугунги кун эҳтиёжидан келиб чиқиб, янги нормаларни киритиш, жинойтларни таснифлашда ҳуқуқбузарликларни бир-бири билан боғлаб турган белгиларидан фойдаланиш, жинойт қонунчилиги вазифаларини қайта кўриб чиқиб, жазо ва бошқа жинойт-ҳуқуқий чораларни кенгайтиришда намоён бўлмоқда.

Жаҳонда жинойт қонунчилигини ислоҳ қилишда жинойт ҳуқуқининг мавжуд назарий қоидаларига янгича қарашлар акс эттирилган илмий изланишларнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Бунда жиноий жавобгарликни амалга оширишда шахснинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва жинойт ҳуқуқий таъқиқни ўрнатишда инсоннинг табиий эҳтиёжлари ва ҳаёт даражасининг аҳамиятини ошириш, жинойтларнинг олдини олишда шахснинг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларини ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари билан узвийликда таъминлаш имкониятларини кенгайтириш, глобаллашув жараёни натижасида халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш механизмларини такомиллаштириш, жинойтлар статистикасини юритишда ахборот технологияларидан фойдаланишга бағишланган илмий изланишлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда жинойт қонунчилигини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда, хусусан сўнгги икки йил давомида жазо тизимидан қамоқ жазоси чиқариб ташланди, унга озодликдан маҳрум қилиш жазосига муқобил жазо турлари киритилди, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жинойтларнинг санкцияларини оптималлаштириш давом эттирилмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Жинойт кодекси қарийб 25 йил олдин қабул қилинган бўлиб, ўтган даврда жамиятдаги муносабатлар, одамларнинг яшаш тарзи, онги, дунёқараши ўзгариши муносабати билан бу кодекс бугунги давр талабларига жавоб бермай қолди»<sup>1</sup>. Бу эса жинойт қонунчилиги нормаларини унификация қилиш, жиноий жавобгарлик институти ва жазо тизимини такомиллаштириш, шахс ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларининг таъсирчан ва ишончли муҳофаза қилинишини таъминлаш, бир сўз билан айтганда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг бугунги шароитида Ўзбекистон Республикаси жинойт қонунчилигини такомиллаштиришни илмий жиҳатдан комплекс тадқиқ этишни талаб қилмоқда.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси / [Электрон манба]. – URL: <https://president.uz/uz/lists/view/2228> (мурожаат вақти: 30.12.2018).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини амалга оширишга муайян даражада кўмаклашади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш устувор йўналишига мос келади.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Жиноят қонунчилигини такомиллаштиришга оид илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказ ва университетларида, жумладан, Northwestern University (АҚШ), University of Pennsylvania (АҚШ), McGill University (Канада), University of Oslo (Норвегия), Stockholm University (Швеция), University of Helsinki, Institute of criminology and legal policy (Финляндия), Max Planck Institute Freiburg (Германия), Россия ИИВ Бошқарув Академияси (Россия), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Жаҳонда жиноят қонунчилигини такомиллаштириш ҳамда уни қўллаш самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: жиноят қонуни нормаларини тузишда жазо ва жиноят ҳуқуқий чоралари мақсадларининг таъсири аниқланган (Northwestern University); шахсни фуқаролик эркинликларининг жиноят қонунчилигини ислоҳ этишга таъсири асосланган (University of Pennsylvania); жиноятчиликка қарши курашишда ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш етакчи ўрин эгаллаши аниқланган (University of Helsinki); давлат томонидан тартибга солинадиган соҳаларнинг ортиши ва қилмишлар криминаллашувининг ошиши ўртасидаги алоқадорлик аниқланган (Institute of criminology and legal policy); жиноят қонунчилиги нормаларини ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари нормалари билан уйғунлаштириш механизми асосланган (Max Planck Institute Freiburg); жиноят қонунчилигининг ички ва ташқи тизимли алоқалари аниқланган (Академик С.П. Королев номидаги Самара миллий тадқиқот университети);

---

<sup>2</sup>Қаранг: <http://aau.am>, [www.alrc.gov.au](http://www.alrc.gov.au), [www.harvard.edu](http://www.harvard.edu), [www.uni-miskolc.hu/en](http://www.uni-miskolc.hu/en), [www.tilburguniversity.edu](http://www.tilburguniversity.edu), [www.du.ac.in](http://www.du.ac.in), <http://www.unitn.it/en>

демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини такомиллаштиришда жиноят ҳуқуқининг назарий асосларини ривожлантириш зарурати асосланган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси).

Жаҳонда жиноят қонунчилиги соҳасидаги ислоҳотларни амалга оширишда қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш орқали шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари устиворлигини таъминлаш; жиноят қонунчилигини такомиллаштиришда ижтимоий муносабатларни қўриқлашдан воз кечиб, инсон ҳавфсизлиги устуворлигини таъминлаш; озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар, шунингдек, ижтимоий адолатни тиклашга кўмаклашадиган рағбатлантирувчи нормалар ҳисобига жиноят ҳуқуқий чораларни кенгайтириш; жиноят ҳуқуқий нормаларни тизимлаштириш мезонларини такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистондаги жиноят ҳуқуқий сиёсатни тадқиқ этишнинг мазкур йўналишига М.Рустамбаев, Р.Кабулов, Қ.Абдурасулова, А.Якубов, М.Раджабова, Э.Норбутаев каби олимларнинг монографик ишлари бағишланган. Ушбу олимлар томонидан кўрсатилган муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари, жиноят ҳуқуқининг ташқи детерминацияси ва ички уйғунлиги, бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳисобга олган ҳолда жиноят қонунчилигини янада такомиллаштиришга бағишланган мавзунини танлаш учун хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунчилигини такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари Р.Зуфаров, Д.Қурбонов, Ш.Абдукадиров, У.Мирзаев, Г. Ботиров, Н. Мухтаров ва бошқа олимларнинг ишларида ҳам ёритилган.

Мазкур масалалар МДХ мамлакатлари олимлари, жумладан, Н.Лопашенко, А.Трахов, В.Дуюнов, А.Бойко, С.Босхолов, Н.Генрих, А.Спиридонов, У.Джекебаевлар<sup>3</sup> томонидан ҳам ўрганилган.

Юқоридаги олимларнинг тадқиқотлари алоҳида жиноят таркиблари ёки таркиблар гуруҳларини, Жиноят кодексининг алоҳида институтларини норматив ҳуқуқ назарияси нуқтаи назаридан ўрганишга бағишланган. Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида охириги йилларда рўй берган жиддий ўзгаришлар, жиноят қонунининг миллий ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари ва халқаро ҳуқуқ нормалари билан тизимли алоқаларига оид масалаларни ўз ичига олган комплекс тадқиқот олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини либераллаштириш ва унга киритилаётган ўзгаришларни амалиётга жорий этиш масалалари» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида амалга оширилган (2015-2018).

---

<sup>3</sup> Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини такомиллаштиришга оид назарий жиҳатдан асослантилган тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонунчилигини таҳлил қилиш ҳамда жиноят ва жазо ҳақидаги қоидалар ривожланиши тенденцияларини аниқлаш, мамлакатда демократик ислохотларни чуқурлаштириш шароитида белгиланган вазифалар билан ўзаро муносабатини аниқлаш;

амалдаги Жиноят кодексини тизимлилик ва назарий асослантилганлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, давлатни жиноят-ҳуқуқий сиёсатининг мақсадлари билан таққослаш;

жиноят қонунчилиги табиати ва мазмунини ҳуқуқ назарияси таъсири доирасида тадқиқ этиш;

жиноят ҳуқуқининг Конституция ва халқаро ҳуқуқнинг айрим нормалари билан тармоқлараро алоқаларни тадқиқ этиш;

жиноят ҳуқуқининг миллий ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари нормалари билан тармоқлараро алоқаларни тадқиқ этиш;

қонунчилик барқарорлигини бузадиган, жиноят қонунининг ортиқча репрессивлигини келтириб чиқарадиган омилларни тадқиқ этиш;

Жиноят кодекси Махсус қисм моддалари тузилишининг умумий қонуниятларини аниқлаш;

жазо ва айрим турдаги жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларининг одиллиги мезонларини ўрганиш;

жиноятларни таснифлаш мезонлари ва асосларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** демократик ислохотларни чуқурлаштириш шароитида Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини такомиллаштиришнинг назарий асосларига оид ижтимоий муносабатлардир.

**Тадқиқотнинг предмети** жиноят қонунчилигининг ташқи детерминацияси ва ички узвий алоқадорлиги ҳақидаги қоидалар, ҳуқуқнинг айрим тармоқларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий фикрлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда анализ ва синтез, дедукция ва индукция, мантиқий, тарихий ва қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, тизимли таҳлил, анкета сўровлари, жиноят ишлари таҳлили каби усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисми моддасининг диспозициясини шакллантиришда тизимли ёндашиш, хусусан жиноят таркиби белгиларини мазмун-моҳияти, ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасига кўра модданинг турли қисмлари ёки турли моддаларда мантиқий изчилликда баён этиш лозимлиги асослантилган;

террорчиликка қарши операция ўтказиш натижасида етказилган зарарни коплашда, зарар етказган шахсга нисбатан регресс ҳуқуқини жиноят ва



фуқаролик ҳуқуқи ўртасидаги тизимли алоқадорликда таъминлаш зарурати очиб берилган;

жиноят қонунчилиги нормаларини халқаро ҳуқуқ нормалари билан унификация қилиш – жиноят ҳуқуқи нормаларини, шунингдек унинг манбаси ҳисобланган ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари нормаларини халқаро ҳуқуқ нормалари билан қиёслаш орқали уларга мувофиқлаштириш ва мослаштиришдан иборат жараён эканлиги асослаб берилган;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига қўлланадиган атама ва тушунчаларни уларнинг тегишли соҳалардаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда берилган таърифлари мазмунига мос равишда такомиллаштириб бориш жиноятларни квалификация қилишда уларни турлича шарҳлаш ҳамда унинг натижасида келиб чиқадиган муаммоларнинг олдини олишга хизмат қилиши асослаб берилган;

жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсларни ахлоқан тузатиш, шунингдек, содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олишга қаратилган жазо турлари ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига киритишда, энг аввало, шахснинг табиий эҳтиёжлари ва турмуш даражасини инобатга олиш зарурати асослантилган;

айбли ижтимоий хавфли қилмишларни уларнинг хусусияти ва даражасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига икки тоифага – кам аҳамиятли қилмиш ва жиноятга ажратиш лозимлиги асосланган;

тажовузга учраган қадрият, неъмат ёки манфаатни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига жинойий қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ва хусусиятини белгиловчи муқобил кўрсаткичлар сифатида аниқ белгилаш зарурати ҳамда жиноятларни таснифлашда уларнинг аҳамияти асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қўйидагилардан иборат:

жиноят қонунчилиги тизимини такомиллаштириш, содир этилган жиноятларнинг статистикасини юритиш самарадорлигини ошириш мақсадида жиноятларни таснифлаш алгоритми ишлаб чиқилган;

жиноят таркиби белгиси сифатида назарда тутилган ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига нисбатан юридик хатога йўл қўйган шахсни жавобгарликка тортиш мумкин эмаслигига оид таклифлар ишлаб чиқилган;

Жиноят кодексининг малумот бериш хусусиятини ошириш учун жиноят қонуни нормаларини шакллантиришда қисқа гаплар ҳамда оддий фуқаролар учун тушунарли атамалардан фойдаланишга оид таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижалари республикамиз судларида кўрилган 300 та жиноят ишлари бўйича ҳукмлар таҳлили, Жиноят кодексини такомиллаштириш юзасидан 220 дан ортиқ олимлар ва суд тергов амалиёти ходимлари орасида ўтказилган сўровлар натижасида олинган маълумотлар билан шунингдек синовдан ўтиб, натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган ҳулоса,

таклиф ва тавсиялар билан таъминланади. Олинган натижалар амалиётга жорий этилган ва ваколатли органлар томонидан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти, унинг натижасида олинган назарий хулосалар ва тавсияларидан тадқиқот ишларини олиб боришда, «Жиноят ҳуқуқи» ва «Жиноятларни квалификация қилишнинг назарий асослари» фанлари бўйича ўқув жараёнида, ўқув ва услубий қўлланмаларни тайёрлашда, жиноят ҳуқуқий нормаларни шарҳлашда, Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни такомиллаштиришнинг назарий асосларини ривожлантиришда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган амалий тавсиялар халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилишга, Жиноят кодексини такомиллаштиришга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари томонидан қонун нормаларини бир хилда қўллашга, қонунни қўллаш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Демократик ислохотларни чуқурлаштириш шароитида Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини такомиллаштиришнинг назарий асослари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларининг диспозициясини шакллантиришда жиноят таркиби белгиларини мазмун-моҳияти, ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасига кўра модданинг турли қисмлари ёки турли моддаларда мантиқий изчилликда баён этишга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 155<sup>3</sup>-моддаси (Терроризмни молиялаштириш)ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2016 йил 24 апрелдаги 06/1-05-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларининг диспозициясини шакллантиришга тизимли ёндашиш имконини берган;

зарар етказган шахсга нисбатан регресс ҳуқуқини жиноят ва фуқаролик ҳуқуқи ўртасидаги тизимли алоқадорлик асосида таъминлашга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1001-моддаси (Зарар етказган шахсга нисбатан регресс ҳуқуқи)ни такомиллаштиришда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2015 йил 9 февралдаги ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари Қўмитасининг 2015 йил 9 февралдаги 06/2-06/96вх-сон маълумотномалари). Ушбу таклифларнинг жорий қилиниши жиноят қонунининг ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари билан алоқадорлигини таъминлашга, шу жумладан зарар етказган шахсга нисбатан регресс ҳуқуқини мустаҳкамлашга хизмат қилган;

жиноят қонунчилигини халқаро ҳуқуқ нормалари билан унификация қилишга оид илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон «Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2018 йил 15 декабрдаги 3/32-1853/8-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф жиноят қонунчилиги нормаларини халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштириш орқали уларни такомиллаштиришга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида қўлланадиган атама ва тушунчаларни уларнинг тегишли соҳалардаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда берилган таърифлари мазмунига мос равишда такомиллаштириб боришга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг «Экстремизмга қарши кураш тўғрисида»ги қонунининг 3-моддаси (Асосий тушунчалар)ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2018 йил 20 ноябрдаги 06/2-06/896-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий қилиниши экстремизмга қарши кураш соҳасидаги атама ва тушунчаларнинг жиноят қонунчилигида бир хилда қўлланилишига, шунингдек Жиноят кодекси нормаларининг ўзаро ва ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ўртасидаги номувофиқликларни бартараф қилишга хизмат қилган;

жазо турлари ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига жорий этишда шахснинг табиий эҳтиёжлари ва турмуш даражасини инобатга олишга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 45-моддаси (Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш)ни такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2018 йил 11 ноябрдаги 06/2-06/895-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий қилиниши шахсга жазо тайинлашда унга табиий эҳтиёжлари ва турмуш даражасини инобатга олган ҳолда муқобил жазоларни қўллашга хизмат қилади;

айбли ижтимоий хавфли қилмишларни уларнинг хусусияти ва даражасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида кам аҳамиятли қилмиш ёки жиноят сифатида белгилашга доир таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон «Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2018 йил 15 декабрдаги 3/32-1853/8-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф Ўзбекистон

Республикаси Жиноят кодексидаги айрим жиноятларни декриминализация қилинишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан 3 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК рўйхатига қирадиган илмий журналларда 11 та мақола (2 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Илмий тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми тадқиқот вазифалари ва мақсадларига мос келади. Диссертация кириш, ўн битта параграфдан иборат тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми 237 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунчилигининг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи боби жиноят ҳуқуқи назариясининг ривожланиши ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонунчилигини баҳолашга бағишланган бўлиб, кучга кирган вақтдан бошлаб унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар таҳлил қилинган. Киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг хусусияти асосида амалдаги жиноят қонунининг ривожланиш тенденцияси аниқланиб, мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг аксарияти мамлакатда амалга оширилган кенг қамровли ислохотлар таъсирида амалга оширилганлигини кўрсатган. Хусусан, ўзгартириш ва қўшимчалар жиноий жавобгарлик институтига тегишли бўлиб, озодликдан маҳрум қилиш жазосига муқобил жазолар ва шахсни жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш имкониятини берадиган рағбатлантирувчи нормаларнинг ортиши эвазига жазонинг репрессивлиги ва жазолов функцияси жиддий камайтирилган. Шу билан бирга жиноятларни таснифлаш қайта кўриб чиқилиб, натижада аксарият оғир ва ўта оғир жиноятлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилган, ЖК Махсус қисмига иқтисодиёт

хавфсизлиги, жамиятнинг ахлоқий асослари хавфсизлиги, тинчлик ва инсоният хавфсизлигини таъминловчи ўзгаришлар киритилди.

Киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар таҳлили асосида айрим криминалист олимлар жиноят қонунчилигининг тизимлилиги бузилганлиги, қонунчилик нормалари ўзаро номувофиқлашуви ва такрорланишини кўрсатиб, ушбу муаммоларни унификация, жавобгарликни дифференциациялаш ва жазони индивидуаллаштириш, жиноятларни декриминализация қилиш йўли билан ҳал этишни таклиф этишган.

Жиноят ҳуқуқий сиёсат ва жиноят қонунчилиги ривожланиш тенденцияларини таққослаш, жиноят ҳуқуқий сиёсат талабларини ўзгартирмасдан, Жиноят кодексига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотларни етарли даражада таъминлай олмаслиги ёритилган. Жамиятда рўй бераётган ўзгаришлар, умуман қонунчилик тизимини, шу жумладан жиноят қонунчилигини ҳам янада такомиллаштиришни талаб этади. Бу жараённинг заруратини муаллиф қатор сабаблар билан асослантирган. Биринчидан, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тизимда намоён бўлган жиддий ижобий сифат ўзгаришлар билан. Кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш хусусиятларини англаш ва ўрганиш, муаллифга ижтимоий нормаларни такомиллаштириш, ижтимоий оғишларга қарши курашиш, замонавий босқичда қонунчиликни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг мураккаб муаммоларини ҳал қилиш йўлидаги янги вазифалар мавжудлиги ҳақида гапириш имконини берган. Иккинчидан, демократик янгиланиш ютуқларига таянган ҳолда, Ўзбекистон Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Давлат ва конституциявий тузилишнинг ўзгариши ва янгиланиши, иқтисодиётнинг мафкурадан холи эканлиги ва унинг сиёсатдан устунлиги, давлатнинг зиммасига бош ислоҳотчи роли, яъни ислоҳотлар ташаббускори ва мувофиқлаштирувчиси функцияларини юклаш, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсатни юритиш, ўтказиладиган ислоҳотларнинг босқичма-босқич ва аста-секинлик билан амалга оширилиши каби принципларга асосланадиган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш, жиноят-ҳуқуқий нормаларнинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш лозимлиги ҳақида таклиф берилган. Учинчидан, ҳуқуқнинг турли тармоқларига оид қонун ҳужжатларига киритиладиган кўплаб ўзгартириш ва қўшимчалар, қабул қилинаётган қонунлар сифатига таъсир қилган. Қабул қилинаётган қонун лойиҳаларида номувофиқликлар, аввал қабул қилинган ҳужжатлар билан такрорланишларга йўл қўйилган, кўплаб ҳаволаки нормалар мавжуд бўлган, ўз навбатида улар қонунни қўллаш амалиётида жиддий қийинчилик туғдириши ва қонунларни ижро этилмаслигига, қонунни қўллаш амалаёти самарадорлигининг пасайишига сабаб бўлган. Тўртинчидан, кўплаб тартибга солувчи қонун ҳужжатлари қабул қилиниши муносабати билан жиноят ҳуқуқий қонунчиликни бутунлай такомиллаштириш, унинг таркибий қисмларининг «ўзаро муносабатлари»ни тиклашнинг долзарблиги асослантирилган.

Жиноят ҳуқуқи жамиятни позитив тартибга солиш ҳолатига боғлиқ бўлиб, давлат бошқарувининг сўнгги воситаси ҳисобланади ва ижтимоий муаммоларни тубдан ҳал қилишга қодир эмас. Биринчи навбатда бу жиноят қонунчилигининг тармоқлараро алоқаларини тадқиқ қилишга тегишли. Мазкур мулоҳазалар, жиноят ҳуқуқини яхлит объект сифатида сақлаш истиқболларини баҳолаш учун уни тартибга солиш имкониятлари, мазмуни ва тузилишидаги ўзгаришлар сабабларини ўрганиш мақсадида, жиноят ҳуқуқини бошқа, жумладан, илгари алоҳида тарзда ўрганилмаган детерминанталар билан максимал алоқаларини излаш ва инобатга олишга тўртки беради.

Муаллифнинг фикрича, жиноят ҳуқуқий сиёсатни амалга оширишнинг асосий воситалари сифатида давлатнинг қонун ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қонунни қўллаш фаолияти ҳисобланади. Бунда қонунни қўллашдаги жиноят ҳуқуқий сиёсатнинг у ёки бу ҳуқуқий институтни қўллаш ва қонунни қўлаш амалиётида жиноят қонунини, айниқса, қилмишларнинг жиноийлиги ва жиноий бўлмаган хусусияти белгилари ролини бажарадиган баҳоловчи тоифаларини шарҳлаш каби йўналишлар аниқланган.

Муаллиф томонидан демократик янгиланишлар шароитида ва жиноят ҳуқуқий сиёсат талабларига мувофиқ равишда умуман Жиноят кодексини такомиллаштириш учун мақбул бўлган асосий қоида ва принципларни ишлаб чиқиш масаласи мақсадларнинг тизимлаштирилган, ўзаро боғлиқ иерархиясини шунингдек якуний мақсадга эришиш учун хизмат қиладиган вазифалар тизимини шакллантириш асосида тегишли мақсад ва вазифаларни белгилашни тақозо этиши, уларга эришиш учун хизмат қиладиган тегишли воситаларни шакллантириш лозимлиги кўриб чиқилган.

Жиноят ҳуқуқининг ҳуқуқ тизимидаги ўрни ва ролини ўрганиб, муаллиф қонунчиликнинг нотекис янгиланиши ҳуқуқ тармоқларининг суверенлашуви тенденциясини кучайтиради; нормаларнинг ички таркибий ва тизимлараро ўзаро номувофиқлиги илмий асосланган ёндашувсиз ҳал этиладиган кўплаб юридик коллизияларни келтириб чиқаради, деган хулосага келган. Жиноят ҳуқуқи табиатини ўрганиш, муаллифга, унга турлича ёндашувлар, ҳуқуқни тушунишнинг турли типлари билан белгиланади ва кўп жиҳатдан ўзига хос атамалардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган методологик хусусиятга эга, деган хулосага келиш имконини берган. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонунчилиги вазифаларини тадқиқ қилиш ва жиноят ҳуқуқий сиёсат талабларини бажариш талаблари миллий методологиянинг умум эътироф этилган стандартларидан воз кечишга эҳтиёж мавжудлигини кўрсатди.

Ҳуқуқ назариясининг асосий, шу жумладан, теологик назария, объектив ҳуқуқ назарияси, позитивизм назарияси ва социологик назариялар, шунингдек, ҳуқуқ табиатига нисбатан классик ва замонавий адабиётларда мавжуд объектив-ҳуқуқий ва позитивизм ёндашувлари ўзаро мослиги ҳақидаги фикрлар таҳлили асосида, муаллиф келгусида жиноят ҳуқуқи ва

қонунчилигини такомиллаштиришда фойдаланиш мақсадида, уларнинг бири-бирига яқин нуқталарини топишга уринган.

Ривожланган бозор иқтисодиётига эга ғарбий мамлакатларда (АҚШ, Франция, Германия, Австрия, Италия, Испания) жинойт ҳуқуқи ва қонунчилиги ривожланишининг таҳлили объектив ва позитив ҳуқуқнинг тобора яқинлашиши тенденцияларини ва ўзаро таъсирларини кўрсатади. Жинойт ҳуқуқини ҳуқуқни умумий тизимининг қисми, фрагменти сифатида кўриб чиқар экан, муаллиф жинойт қонунчилиги вазифаларини қилмишни жинойтчилигини унга таъсир қилиш воситаларини ўрнатиш йўли билан энг муҳим неъматларга тажовуз қилиш юзасидан вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш сифатида белилашни таклиф қилган. Жинойт кодекси вазифаларини шу тарзда шархлаш объектив ва позитив ҳуқуқ афзалликларини ўзида мужассамлаштиришга имкон яратади, жинойт ва бошқа тармоқ қонунчилигининг номувофиклашувини бартараф этишга кўммклашади.

Бундан ташқари, Жинойт кодекси вазифалари ва жазо мақсадларига оид миллий ва хорижий адабиётларини ўрганиш, жазо, бошқа жинойт-ҳуқуқий таъсир чоралари билан бир қаторда жинойт қонунчилигининг бош мақсадига эришиш воситаси ҳисобланиши, жинойт кодекси вазифалари жазо билан чекланмаслиги, бинобарин, фақат жазо мақсадларини белгилаш мантиққа зид эканлигини кўрсатди.

Жинойт қонунчилиги функциялари ижтимоий муносабатлар, қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги, неъмат, манфаат каби категориялар билан тўғридан-тўғри алоқадорлигини ҳисобга олган ҳолда, диссертант жинойт-ҳуқуқий муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг бир қисми бўлиб, мазмун жиҳатидан жинойт содир этган шахс, жабрланувчи, жамият ва давлат ўртасидаги алоқадан иборат, деб ҳисоблайди. Мамлакат ҳуқуқий тизимининг муҳим қисми бўлиб, жинойт ҳуқуқи ижтимоий ва шахслар ўртасидаги низоларни ҳал этишда маданият даражасининг кўрсаткичи сифатида хизмат қилади. Шунга кўра, жинойт-ҳуқуқий туркум қонунчилиги фақатгина шахсни бостириш воситаси сифатида кўрилмасдан, йўқотилган ижтимоий алоқаларни тиклаш йўналишида такомиллаштирилиши лозим.

Диссертациянинг «**Жинойт ҳуқуқининг тармоқлараро алоқалари ва жинойт қонунчилигини такомиллаштиришда уларнинг аҳамияти**» деб номланган иккинчи бобида Конституциянинг жинойт қонунчилигига таъсири, халқаро ҳуқуқ ва миллий жинойт қонунчилигининг ўзаро таъсири, ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг жинойт қонунчилигини такомиллаштиришдаги роли кўриб чиқилган.

Муаллифнинг фикрига кўра, шахс, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш тизимини такомиллаштириш, Конституцияда кўрсатилган неъматлар иерархиясига асосланиши шарт. Бунда тушунчаларнинг атамавий ва моҳият жиҳатидан бир хиллигига риоя этилиши лозим. Шу жиҳатдан муаллиф адабиётларда, Конституция жинойт ҳуқуқининг нафақат моддий, балки формал манбаси ҳисобланиши хусусидаги фикрга қўшилади ва Конституциянинг қоидалари асосида

биринчи навбатда муҳофаза қилинадиган энг муҳим ҳуқуқ ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда жиноят қонунчилиги боблари ва нормаларини шакллантириш усулларини илмий ишлаб чиқиш умуман ҳуқуқ ва хусусан қонунчилик тизимини ривожлантиришнинг бош йўналишини белгилашга кўмаклашади, бунда унинг замирига ижтимоий муносабат деб аталмиш қандайдир қонунчилик эмас, балки моддий ва номоддий неъмат ва манфаатлар қўйилади. Бу эса, ўз навбатида «Ислохотлар ислохот учун эмас, балки инсон, унинг манфаатлари учун», деган асосий ғоя мақсадига эришиш йўлида муҳим аҳамиятга эга.

Адабиётда билдирилган фикрлар, шунингдек, конституциявий ва жиноят-ҳуқуқий қоидалар таҳлили асосида, муаллиф, Конституциянинг 13, 16, 43-моддаларига сингдирилган умумҳуқуқий ғоялар, биринчи даражали аҳамиятга эга бўлиб, барча норматив материалнинг изчиллиги, бутунлиги ва ўзаро келишилган ҳолда қўлланилишини таъминлайди, деган фикрга келган. Жиноят кодекси каби соҳавий норматив ҳуқуқий ҳужжатларда, асосан такрорланишсиз ҳам барча ҳуқуқ соҳалари учун мажбурий ҳисобланган конституциявий ғояларни очиб берадиган ва аниқлаштирадиган соҳавий қоидалар мустаҳкамланиши лозим.

Тадқиқотчининг фикрига кўра, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, мулкчиликка қарши ва жамоат хавфсизлигига қарши айрим турдаги жиноятларни тегишли равишда гуруҳлаштириш масалалар ўз ечимини талаб қилади. Шу маънода, жиноят қонунчилиги материални тизимлаштириш бўйича тўпланган тажриба, шунингдек ривожланган чет мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, муаллиф томонидан жиноят қонунчилигининг айрим бобларининг номини ўзгартириш, уларда жиноятлар таркибларини жойлаштириш тартиби ва принципларини қайта кўриб чиқиш, жиноятнинг бевосита асосий ва кўшимча объектларининг ўзаро муносабатини белгилаш таклиф қилинган.

Маълумки, халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчиликнинг ўзаро нисбатини ўрганиш жиноят ҳуқуқи фани, мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлаш ва жамиятнинг ўзига хослигини сақлаш учун муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ҳолат нафақат бизнинг мамлакатимизда, балки барча чет давлатларда амалга оширилаётган мамлакатни янада демократлаштириш ва жиноят-ҳуқуқий туркум қонунчилигини либераллаштиришга қаратилган ислохотлар билан узвий боғлиқдир. Ҳозирги вақтда халқаро ҳуқуқ жаҳон ҳамжамиятининг фундаментал кадриятлардан бири сифатида кўрилмоқда. Шунинг учун халқаро ҳуқуқининг миллий қонунчилик ривожланишига таъсирини ўрганиш зарурати ривожланаётган ижтимоий кадриятлар билан, унинг вазифалари ва мақсадлари билан узвий боғлиқдир. Халқаро ҳуқуқнинг ривожланишига сиёсий, иқтисодий, ҳудудий, маданий ва ижтимоий ўлчамлардаги глобаллашув таъсир қилиши муносабати билан, муаллиф иқтисодий ва бошқа манфаатлар халқаро ва миллий даражада турли хиллигини ажратган. Юридик адабиётларда мавжуд фикрлар асосида диссертант халқаро ҳуқуқни, давлатлар ёки давлатлар гуруҳлари ўртасидаги, принциплари давлатнинг ички манфаатларига зид бўлмаган ҳамда инсоният, барча давлатлар ва



халқларнинг глобал ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминловчи битим сифатида олиб қарашни таклиф қилади. Шу билан бирга, ЖК 1-м. таҳририга ўзгартириш киритиш зарурлиги кўрсатилган. Муаллифнинг фикрича, жиноят қонунчилигида қонуннинг вақт бўйича амал қилиши, уюшган жиноятчилик ҳақидаги қоидалар ҳам Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларига мувофиқлаштирилиши лозим. Бунда у келишилаётган тарафларнинг жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигининг қиёсий шарҳларини тегишли битимларнинг матнларига расмий иловалар кўринишида ишлаб чиқишни таклиф қилади.

Диссертант, жиноят ҳуқуқий нормалар, бошқа ҳуқуқ соҳалари нормалари билан боғлиқ ҳолда, яширин бланкет ва яққол бланкет сифатида тавсифланади, деб ҳисоблайди. Унинг фикрига кўра, жиноят ҳуқуқи назарияси ривожланиши натижасида ахлоқ, иқтисодиёт, ижтимоий фикр ва ҳ.к. каби жиноят қонунчилиги детерминанталари тобора юқори аҳамият касб этмоқда ва жиноят ҳуқуқий чоралар ёрдамида тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг кўпайиши, бутун жиноят ҳуқуқий сиёсатнинг репрессивлигини оширади, шу муносабат билан ушбу юк барча ҳуқуқ тармоқларига тақсимланиши шарт. Бироқ жиноят қонунини бланкет шаклда тузишдан фойдаланишда, бошқа тармоқ норматив қоидалари жиноят-ҳуқуқий норманинг ажралмас қисмига айланади.

Турли ҳуқуқий тизим мактаби давлатлари ҳуқуқий адабиётларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, жиноят ҳуқуқини, ҳуқуқнинг бошқа соҳалари билан ўзаро алоқадорлиги масалаларида романогерман ва англосаксон ҳуқуқи «айлана» бўйлаб ҳаракатланмоқда, яъни англосаксон ҳуқуқида жиноят қонунчилигида фақатгина жиноятнинг умумий аломатлари белгиланиши ва ҳуқуқнинг бошқа тармоқларида батафсил очиб берилиши лозимлиги ҳақидаги хулосага келинган пайтда, романогерман ҳуқуқ вакиллари бундан воз кечиб, бошқа ҳуқуқ соҳалари аломатларини жиноят қонунчилигига «имплантация» қилишга уринишади, бу эса баъзан Жиноят кодекси ҳажмининг ошишига олиб келади.

Диссертантнинг фикрига кўра, ЖКнинг нафақат Махсус қисми, балки Умумий қисми нормалари алоқаларини эътироф этиш мумкин, бу эса ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг жиноят қонунининг формал манбаси сифатидаги мазмунида бланкетлик тушучаси доирасидан четга чиқади. Мисол тариқасида, жарима ва ахлоқ тузатиш ишлари каби жазоларни вояга етмаганларга нисбатан ижро этишни кўрсатади. Жиноят қонуни, мазкур жазоларни вояга етмаганларга нисбатан тайинлашни чекламайди, ваҳоланки меҳнат ҳуқуқи болалар меҳнати борасида муайян чекловларни белгилайди, бу эса халқаро нормалар билан кўшилган ҳолда жиноят-ҳуқуқий нормаларни тузишда ҳисобга олинмаслиги мумкин эмас.

Диссертациянинг «**Жиноятларни декриминализация қилиш йўли билан жиноят қонунчилигини инсонпарварлаштириш**» деб номланган учинчи бобида, декриминализация шакллари ва йўналишлари, ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражаси, шунингдек, декриминализация

қилишнинг асоси сифатида жиноят-ҳуқуқий тақикнинг мақсадга мувофиқлиги таҳлил этилади.

Муаллифнинг фикрига кўра, жиноят қонунчилигини жиноятларни декриминаллаштириш ва репрессияни тежаш йўналишида такомиллаштириш, замон талабидир. Шу жиҳатдан муаллиф юридик адабиётда келтирилган жиноятларни умумий мезон – қилмишнинг ижтимоий ҳавфлилиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, халқаро шартномаларида кўзда тутилган мажбуриятлари, жиноят ва маъмурий ҳуқуқ принциплари нуқтаи назаридан декриминаллаштириш мақсадга мувофиқлиги хусусидаги таклифни маъқуллаб, Буюк Британия, Франция, Германия ва бошқа Европа Иттифоқи мамлакатлари тўплаган тажрибани инобатга олган ҳолда, аҳамияти юқори бўлган неъмат, ҳуқуқ ва манфаатларга ҳавфли қилмишлар билан тажовуз қилувчи жиноят таркибларини ЖК доирасида ҳуқуқбузарлик сифатида назарда тутиш заруратини асослантиради. Бундан ташқари, бу каби декриминализация, судланганликни истисно этиш ва ишларни судда кўришнинг соддалаштирилган тартибини кўзда тутишга имкон яратади.

Ишда ижтимоий ҳавфлилик тушунчаси, маълум қилмишга нисбатан ижтимоий фикрни аниқлаш йўли билан қилмишни криминаллаштириш (декриминаллаштириш)нинг объектив (табиий неъматлар) ва субъектив (қонунчиликда мустаҳкамланган) омиллари яхлитлиги сифатида шакллантирилади.

Юридик адабиётларда мавжуд фикрларни таҳлил қилиш, диссертант, қилмишларни криминаллаштириш ёки декриминаллаштириш тўғрисидаги қонун лойиҳаларини тайёрлашда, криминаллаштириш ва декриминаллаштириш асосларини тадқиқ этиш натижаларини қонун лойиҳаларини тайёрлаш вақтида кўрсатиш зарурлиги тўғрисидаги хулосага келган.

Қилмишларни криминаллаштиришнинг (декриминаллаштириш) мақсадга мувофиқлиги диссертант томонидан икки нуқтаи назардан кўриб чиқилган. Биринчидан, Жиноят кодекси вазифалари ва жазо мақсадлари нуқтаи назаридан, иккинчидан, жамиятнинг умумий фаровонлигини ошириш ва давлат тараққиётига қаратилган бутун ҳуқуқий тизим нуқтаи назаридан кўрилган. Муаллиф, криминаллаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги, жиноят қонунчилигида назарда тутилганига нисбатан кенгроқ кўриб чиқилиши лозим, бу белгиланган мақсадларга эришиш учун ҳуқуқнинг барча тармоқларининг кенг имкониятларидан фойдаланишга имкон беради, деган хулосага келган. криминаллаштиришнинг мақсадга мувофиқлигини белгиловчи янада кенгроқ омиллар сифатида муаллиф, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-психологик мақсадга мувофиқликни ажратган.

Диссертациянинг «**Жиноий жавобгарликни дифференциациялаш**» деб номланган тўртинчи бобида жиноятларни таснифлаш масаласи ва унинг жиноят ҳуқуқи тизими нормалари ва институтларини шакллантириш учун аҳамияти, жиноятларни таснифлаш мезонлари тадқиқ этилган.

Жиноят ҳуқуқи тизими элементларини тартибга солиш усулларидан бири ҳисобланган жиноятларни таснифлаш институти, юридик адабиётларда жиноят қонунчилигини тизимлаштиришнинг асосий мезонларидан бири сифатида кўрилади ҳамда жиноят ҳуқуқининг жиноят ва жазо тўғрисидаги таълимот билан боғлиқ бўлган асосий масалаларига тааллуқлилиги сабабли мураккаб табиатга эга.

Муайян жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига ҳуқуқий баҳо бериш, унинг ҳуқуқий оқибатлари доирасидаги масалани тўғри ҳал қилиш, таснифлаш шакли ва жиноятлар тоифаларининг моҳияти ҳуқуқий нуқтаи назардан қай даражада мустаҳкамланишига боғлиқ.

Шунингдек қонунчиликдаги ва қонунни қўллашдаги таснифлашнинг ўзаро муносабатлари, унинг мезонлари ҳамда ушбу фактнинг жавобгарликни самарали дифференциациялаш, статистик маълумотларни олишда қонунни қўллашнинг халқаро амалиёти билан солиштириш ва қонун ижодкорлиги фаолияти билан алоқодарлиги таҳлил қилинган. Қонунни қўллаш амалиётининг таҳлилига асосланган ҳолда жиноятларни таснифлаш мезонларини аниқлаштириш таклиф қилинган.

## ХУЛОСА

Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини такомиллаштиришнинг назарий асосларига бағишланган тадқиқот натижасида қуйидаги хулоса, таклиф ва тавсиялар шакллантирилган:

*Жиноят ҳуқуқи назариясини ривожлантиришга оид тавсиялар*

1. Тадқиқот натижасида жиноят ҳуқуқи асосан қўйидаги назариялар таъсирида ривожланганлиги аниқланди:

теологик назария ҳуқуқни абсолют қадриятлар ифодаси, ҳуқуқий тизимнинг барча компонентларини шакллантирувчи ғоя сифатида тасвирлайди;

социологик назария норматив ҳужжатлар ёки бошқа манбалар билан мустаҳкамланган ижтимоий муносабатларнинг муайян тартибини назарда тутди;

объектив ҳуқуқ назарияси ҳуқуқни қонунга қарама-қарши кўяди, уни давлатдан устун (ва аввал) деб белгилайди ҳамда инсон ҳаётини фаолияти эҳтиёжларидан келтириб чиқаради. Объектив ҳуқуқ назария доирасида табиий ҳуқуқ ва абстракт ҳуқуқ ёндашувлар ажратилган;

позитивизм ҳуқуқ назарияси ҳуқуқ ва қонуннинг тенглигини белгилайди ва уни, давлат иродасининг расмий тарзда тан олинган манбада (энг аввало қонунда) акс эттирилган маҳсули сифатида ифодалайди. Позитив ҳуқуқ назариясида қонун базис, ҳуқуқ эса устқурма ҳисобланади.

2. Жиноят ҳуқуқи фалсафаси жазо тўғрисидаги иккита асосий назария, утилитар назария (манфаатларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги назария) ва формал назария (манфаатларни чеклаш тўғрисидаги назария) келтириб чиқаради;

утилитар назария утилитар фалсафадан келиб чиққан бўлиб, жазонинг жиноятларни олдини олиш учун етарлилигини, жиноятларнинг умумий олдини олишни эса унинг мақсади сифатида белгилайди. жиноят ҳуқуқининг иқтисодий назарияси утилитар назария асосида ривожланган;

формал назария ёки жазолаш назарияси – ўтмишга асосланган назария (содир этилган жиноят ва унинг оқибатида етказилган зарарга асосланган назариялар), жинот учун жазолашга интилади. Жазолаш назариясида жазо содир этилган жиноятнигина инобатга олиб тайинланиши лозимлиги таъкидланган, жазонинг оғирлиги содир этилган жиноятнинг хавфлиликка тенг бўлиши белгиланган ва маҳкумнинг келажакдаги хулқ-атворида алоқадор эмас;

маҳкумни ахлоқан тузатиш назарияси жиноятни ижтимоий хасталик натижаси сифатида ўрганади ва реабилитация мақсадини маҳкумни реабилитация марказларида тузатиш, деб ҳисоблайди. Маҳкумни ахлоқан тузатишга қаратилган жазо жиноятга эмас, балки жиноятчига мослаштирилган бўлиши керак. Мазкур қараш замирида, жиноятчи кейинчалик жиноят содир этмаслиги, жамият эса унинг реабилитациясини таъминлаши лозим, деган фикр ётади. Бироқ ушбу назарияни содир этилган жиноят учун чин кўнгилдан пушаймон бўлган шахсларга қўллаб бўлмайди.

3. Жазо, жиноят қонунчилигининг функциясини таъминловчи жиноят ҳуқуқий воситалардан бири ҳисобланади. Жиноят қонунига тартибга солиш ва бузилган ҳуқуқни тиклаш функциялари ҳам хослигини инобатга олган ҳолда, жиноят ҳуқуқий чораларнинг бошқа турлари билан бир қаторда жазо, жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг ягона тизимига киритилган. Демак жазо ва бошқа жиноят ҳуқуқий таъсир чораларнинг мақсади тўғрисидаги масала жиноят қонуни вазифалари билан ўзаро алоқадорликда ҳал қилиниши лозим.

4. Жиноятнинг умумий объекти Конституцияда мустаҳкамланган ва жиноят қонуни билан тартибга солинадиган энг муҳим кадриятлар, шахс, жамият ва давлатни ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг мажмуидир. Кадриятлар, ҳуқуқ ва қонуний манфаатлар қонунчиликнинг тизимини шакллантирувчи элемент бўлиб, тегишли тармоқ қонунчилигида тартибга солиш мақсади сифатида ўрнатилади.

5. Жиноятнинг бевосита объекти қонун билан ўрнатилган тартибни таъминловчи ижтимоий муносабат эмас, балки ЖКнинг муайян нормаси билан муҳофаза қилинадиган шахс, жамият ёки давлатнинг муайян кадрият, неъмат, ҳуқуқ ёки қонуний манфаати ҳисобланади.

6. Жамоат хавфсизлиги, Конституция билан кафолатланган шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини таъминлаш мақсадида ижтимоий муносабатларини тартибга солиш жараёнида, тегишли мажбуриятларни юклаш йўли билан шаклландиган муносабатлар тизимидир. Уларнинг бузилиши ҳимояланмаганликнинг жамоавий ҳиссини юзага келтиради. Шу муносабат билан ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи бутун қонунчилик тизми жиноятларнинг умумий олдини олишга хизмат қилади.

7. Трансформация методи билан халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий жинойт қонунига имплементация қилиш – Ўзбекистоннинг миллий маданияти, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий хусусиятини сақлаб қолган ҳолда имплементация қилинаётган нормага тааллуқли бўлган халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги тизимини мувофиқлаштиришдир.

8. Жинойт-ҳуқуқий воситалар мазмуни бузилган ҳуқуқларни тиклаш билан тўлдирилган бўлиб, қуйидагиларни қамраб олади:

